

## ХУН ЖЭНЬ – ГАНЬ СИЁСИЙ ФАЛСАФАСИДА АДОЛАТ МАСАЛАЛАРИ

Алимасов В., ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти ф.ф.д.

Қадимги Хитой мутафаккирлари Лао–цзи (эр.авв. VI–V асрлар) ва Конфуций (эр.авв. VI – V асрлар)нинг ижтимоий–сиёсий ва фалсафий меросида илгари сурилган адолат ғоялари у ёки бу талқинда деярли барча хитой файласуфларининг асарларида давом эттирилади. Аммо хитой файласуфлари Лао – цзи ва Конфуцийнинг фикрларини такрорловчи, Ғарбда Аристотель қарашларини схоластикага айлантирган издошларидан кескин фарқ қилувчи, танқидий фикрлашга мойил эдилар. Улар жамият ва давлат ишларини бошқаришни рационал асосга, ҳаёт ва тараққиёт талабларига қуриш учун дао ва конфуцийликни дадил танқид қилишдан, ҳатто уларнинг ибодатхоналарини беркитиб, китобларини гулханга ташлашни таклиф этишдан қайтмаганлар. Ана шундай файласуфлардан бири, янги давр хитой фалсафасининг шаклланишига катта ҳисса қўшган Хун Жэнь – гань (1822 – 1864 йиллар) ҳисобланади.

Хун Жэнь – ганьнинг “Бошқаришга ёрдам берувчи янги асар” деб номланган китоби мутахассисларга яхши маълум. Ушбу китобда Хитой давлатининг ривожланиш концепцияси кўрсатиб берилган. Файласуфнинг фикрича “энг муҳими бошқаришнинг давр руҳига мос келадиган ва шарт – шароитларга мувофиқ ҳаётга тадбиқ этиладиган қоидаларни яратишдир”. Яъни бош вазифа – тўғри қонунлар ишлаб чиқиш ва қобилятли кишиларни топиб жойига қўйишдир.

Хун Жэнь – гань “адолат” тушунчасини махсус тадқиқ қилмайди ва унга оид илмий концепция ҳам яратмайди. У адолатни эзгулик, тўғрилиқ, садоқат, амалдор учун зарур фазилатлар билан бир қаторда тилга олади, жамият ва давлатни бошқариш принципларидан бири деб билади.

Файласуфнинг фикрига кўра, жамият ва давлатни самарали бошқариш кишилар иқтидоридан ўринли фойдаланиш, уларни жой–жойига қўйишдир. Сарой амалдор танлаётганида ундан давлатга садоқат билан хизмат ва ҳалқни ҳимоя қилишни кутади. Агар амалдорлар ичида гуруҳлар юзага келса, улар, ҳозирги тил билан айтганда, корпоратив манфаат амалдорни ҳукмдорлардан ҳам, халқдан йироқлаштиради. Агар, дейди файласуф, гуруҳ жинойт содир этган кишини ҳимоя қилса, ушбу гуруҳ бир кунимас бир куни ҳукмдорга сотқинлик қилади. У бундай гуруҳни яширин тарзда йўқ қилишни ҳукмдорга маслаҳат беради, акс ҳолда ҳукмдорнинг хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмас.

Файласуф Хитойни европалаштириш тарафдори бўлган. Шунинг учун у ҳукмдорни эски урф–одатлар ва қонунлардан воз кечишга давъат этади, буддавийлик ва дао тарафдорларининг ибодатхоналар қуришини тақиқлашга, мавжуд ибодатхоналарни христианлик–насронийлик черковларига айлантиришга, бор маблағларини шифохона ва хайр–эҳсон уйлари қуришга сарфлашга ундайди. У эски урф–одатлардан бирданига воз кечиш хавфли, салбий оқибатларга келишини билади. Эски урф–одатлар кишиларда икки–юзламачилик ва ичиқароликни авж олдиради, бу эса эски қарашларнинг давр талабларига жавоб бермаётганини билдиради. “Бу тақдирда адолат йўқлигидан халқ норози бўлади”.

Эски урф–одатлар деганда файласуф Лао – цзи ва Конфуций таълимотларига амал қилишни назарда тутди. “Ушбу мактаблар кишилар иродасини сусайтириб фалаж қилади. Буддавийлар ва Лао–цзи издошлари дунёдан кечишни ва реалликни ҳамма нарсадан юқори қўяди, ўз мулоҳазаларида янада бемаънидирлар. Конфуцийлик доктринасининг тарафдорлари меҳнатнинг аҳамияти ҳақида жиндек тасаввурга ҳам эга бўлмай “оралиқ” принципини эъзозлайдилар. Ахир ушбу таълимотларни адолатли қаттиқ жазони инсонпарварлик ва ҳамдардликдан келиб чикувчи гуноҳлардан кечиш билан уйғунлаштирган Исо таълимотига тенглаштириб бўладими ...”. Бу билан файласуф жазо қаттиқ, аммо адолатли бўлсин, шу билан бирга у инсонпарварлик принципига таянаши зарур демоқчи.

Бошқа бир ўринда файласуф адолатни ўрганиш учун эски урф–одатлардан, қонунлардан воз кечишда кишиларни ўқитиш ва тарбиялаш даркорлигини уқтиради. “Кишиларни иллатлардан халос қилиб ва улардан эзгулик ва адолат йўлларига солиш учун ҳаётга жорий этиладиган қонунларни маърифат ва тарбия билан бирга амалга ошириш лозим”. Ҳақиқатан ҳам қонунларнинг ўзи кишиларни, бошқаришни адолатли қилолмайди, маърифатли ва тарбия орқалигина адолат ҳаёт тарзига айланиши мумкин.

Файласуф қонун ўзак, асос ва устки, ўзгарувчан қисмдан иборат деб билади. Ўзак, асос, ҳозирги юриспруденция ибораси билан айтганда, конституция ёки юридик догма қонуннинг бартарафлигини, муқимлигини таъминламайди, қонунларни кескин ўзгартириш бошқаришда бош – бошдоқликни, хаосни юзага келтиради. Аммо қонун қотиб қолган догма эмас, унинг устки қисми ҳаёт талабларига мувофиқ ўзгариб, тўлдирилиб, бойитилиб борилади. Гоҳо, қабих кишилар “қонун асосидаги адолат принципларини ўзининг шахсий манфаатларида фойдаланишга интиладилар”. Шунинг учун ҳам қонуннинг устки қисми доимо ҳаракатда бўлиши, яъни ҳаёт талабларига мувофиқлашиб бориши керак.

Адолатни ўргатишдан энг аввало ҳукмдор манфаатдор бўлиши даркор. Ўзини ўзи кўз-кўз қиладиган арзимаган ютуқни оламга ёядиган, шахсий манфаатларини кўзлайдиган ҳукмдор адолат ўрнатишдан манфаатдор бўлмайди, у ўзининг қинғир ишлари элга ёйилишидан кўркади, бор кучини ўзини, бойлигини, яқинларини ҳимоя қилишга, асрашга, кўпайтиришга қаратади. Хун Жэнь – гань жойларда адолатли ва софдил амалдор – корреспондентлар тайинлашни таклиф этади. Ушбу амалдор – корреспондентлар жойлардаги амалдорлар, ҳокимлар ва бошқариш ҳақида зарур маълумотлар йиғиб, уларни ҳукмдорларга етказиб беради. Бундай алоқа адолатнинг қарор топишига ёрдам беради ва бошқаришда субординацияни мустаҳкамлайди.

Файласуф жойларда савдо – сотиқ, ижтимоий таъминот, ўзини ўзи бошқариши, фукаролар ҳаётини яхшилашга ёрдам берадиган ихтиёрий ташкилотлар ва муассасалар тармоқларини кенгайтириш ҳақида ҳам турли таклифлар беради. Чамаси Хун Жэнь – гань Европа ҳаётини махсус ўрганган, унда шаклланган бошқариш тизимини Хитойга жорий этмоқчи бўлган. Буни амалга оширишни у “қаттиқ қўл ва адолатли амалдорни тайинлаш” дан бошлашга давъат этади. Ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган ишларини, қонунларга амал қилишни “адолатли кишилар назорат қилиши лозим”.

Хуллас, Хун Жэнь – гань капиталистик муносабатларни қўллаб – қувватлайди. Хитой ҳаётини Европага модернизациялаштириш тарафдори сифатида фикр юритади. Файласуфнинг ушбу ғоялари деярли икки аср ўтгач Хитой ҳаётига жорий этилади.

Адабиёт:

1. Избранные произведения прогрессивных китайских мыслителей нового времени (1840 – 1898). – М.: Изд АН СССР, 1961. – С. 74.